O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 221299

Ажиниёз таваллудининг 175 йиллигига бағишланган тантаналар иштирокчиларига

Азиз дўстлар!

Муҳтарам ватандошлар!

Биз бугунги кунда ўзбек ва қорақалпоқ халқлари орасида биродарликни, мустаҳкам қонқардошликни олий қадрият сифатида юксак эъзозлаймиз. Чунки ўзбек ва қорақалпоқнинг бахтини ҳам, орзу умидларини ҳам, ташвишу ўйларини ҳам бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Қорақалпоқ халқи ўтмишнинг суронли сўқмоқларини мардона босиб ўтди. Қорақалпоқнинг кўнгил мулки, бедор тафаккури унинг оғзаки ижодида, Бердақ, Кунхожа каби буюк оқинлари меросида ўз аксини топди.

Биз бугун 175 йиллик қутлуғ тўйини нишонлаётган булбулзабон оқин Ажиниёз ҳам ана шундай бетакрор сиймолардан биридир. Унинг асарларида қорақалпоқ халқининг орзу-ўйлари, ёруғ кунларга бўлган ишончи, нозик диди ва ҳаётга бўлган сўнмас муҳаббати юксак бадиий пардаларда куйланди.

Ўз юрти ҳаётидаги муҳим воқеалар, тарихий жараёнлар катта санъаткорларнинг назаридан ҳеч қачон четда қолмайди. Жафокаш қорақалпоқ элининг ўтган аср ўрталарида олиб борган ҳақиқат ва адолат йўлидаги курашлари Ажиниёзнинг машҳур достонларида, кўплаб шеърларида ўз талқинини топган. Унинг ёркин лирикаси ёшлик, гўзаллик ва эзгуликнинг ўлмас бадиий обидаси бўлиб қолди.

Муҳтарам биродарлар!

Ватан ва халқ равнақи ташвишида тинимсиз изланган Ажиниёзнинг эзгу орзулари бугун рўёбга чиқмоқда. Мустақил юртимизда инсоннинг бахт-саодатини таъминлаш, баркамол ёш авлодни тарбиялаш, фуқароларимиз онгида эртанги кунга ишончни мустаҳкамлаш мақсадида чинакам тарихий ишлар қилинмоқда. Янги асрда мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланган, фаровон ва қудратли давлат бўлиб оламга танилмоғи йўлида ижодкор қорақалпоқ халқининг катта масъулият билан меҳнат қилишига чин дилдан ишонаман. Зотан халқ шоири Ажиниёз ёзганидек, қорақалпоқ «Кўнгил бериб ваъдасидан қайтмаган, Ҳеч вақт гапни тўқиб-чатиб айтмаган» лабзи ҳалол, мард ва танти халқдир.

Озод ва обод юртимизнинг буюк келажагини кўриш, унинг неъматларидан баҳраманд бўлишдек улуғ мақсадларимизга Яратганнинг ўзи етказсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Оролбўйида Ажиниёз юбилейи тантаналари

Қорақалпоқ мумтоз адабиётининг етук намояндаларидан бири Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 175 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди. Байрам шодиёналарининг якуний босқичи Нукус шаҳрида бўлди. Унда Оролбўйи меҳнат аҳли вакиллари, барча вилоят ва Тошкент шаҳридан меҳмонлар қатнашди.

Тадбир Ажиниёз Қўсибой ўғли адабий меросини ўрганишга бағишланган илмий-амалий анжуман билан бошланди. Унда мамлакатимиз таниқли олимлари ва адабиётшуносларининг Ажиниёзнинг туркий халқлар адабиёти ривожига қўшган улкан ҳиссаси, ҳаёти ва фаолияти ҳамда бой ижодий меросини ўрганишнинг аҳамияти тўғрисидаги маърузалари тингланди.

Юбилей арафасида Қорақалпоғистонда кенг кўламда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, Нукус шаҳрининг хушманзара жойида шоир номи билан аталувчи майдон барпо этилди. Мазкур майдонда Ажиниёзнинг муаззам ҳайкали қад ростлади. Шу куни шоир ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлди. Юбилей тантаналари иштирокчилари шоир ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйдилар.

Оқшом Бердах номидаги театрда Ажиниёзнинг таваллуд тўйига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ажиниёз таваллудининг 175 йиллигига бағишланган тантаналар иштирокчиларига йўллаган табригини Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Ҳ. Кароматов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев йиғилишда Ажиниёзнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида маъруза қилди. Шунингдек, тадбирда сўз олган Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А. Орипов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири И. Юсупов ва бошқалар Ажиниёз том маънода халқ шоири, «бу дунёнинг кўрки одам боласи» эканлигини таранним этган хассос сўз заргари бўлганлигини таъкидладилар.

Йиғилиш санъат усталарининг катта концерти билан якунланди.

А. ИСКАНДАРОВ,
ЎзА мухбири

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 21 декабрь, сешанба • № 150 (25.545).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Фарғоналик сайловчилар билан учрашув

Фидокорлар миллий-демократик партиясидан мамлакат Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом Каримов 18 декабрь куни Фарғонада вилоят сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 11-Фарғона округ сайлов комиссиясининг раиси Расулжон Тожиев очди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Йўлдошали Сулаймонов йиғилганларни Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. Нотиқ ўз сўзида халқимизнинг мустақиллик ҳақидаги асрий орзуларининг ушалиши Ислом Каримовнинг номи билан боғлиқ эканлигини алоҳида қайд этди. Истиқлол йилларида амалга оширилган кенг қамровли ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар туфайли юртимизнинг жаҳондаги обрўси ортиб бормоқда.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Юртбошимиз фарғоналиклар замон талабига мос ислоҳотларни ўтказишда олдинги сафларда эканини таъкидлади. Хорижий сармояларни энг самарадор соҳаларга жалб этиш ва тўлиқ ўзлаштириш соҳасида фарғоналиклар бошқаларга ўрнак бўлаётир. Чунончи, Япония сармояси эвазига Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида дизел ёқилғиси таркибидаги олтингугуртни ажратиб оладиган янги қурилма ишга туширилди.

Тўқимачилик соҳасига сармоя киритиш ҳам жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Тошлоқ туманида ДЭУ компаниялари гуруҳи билан ҳамкорликда ип-йигирув фабрикаси қурилди. Қишлоқ хўжалиги учун ўғит ишлаб чиқариш ишида ҳам кескин ўзгариш амалга оширилди. «Азот» бирлашмаси хорижий сармоядорлар кўмагида қайта таъмирланмоқда. 424 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя жалб қилинган бу иш ниҳоясига етгач, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини азотли ўғитлар билан таъминлашда туб бурилиш бошланиши шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари фарғоналик деҳқонларнинг заҳматли меҳнати хусусида ҳам алоҳида тўхталди. Фарғоналик ғаллакорлар бу йил давлатимиз омборларига тўрт юз минг тоннадан зиёд сара дон топшириб, эл дастурхони тўкин бўлишига муносиб ҳисса қўшди. Айниқса, фарғоналик фермерлар эришаётган ютуқлар эътиборга лойиқ.

Ислом Каримов маънавият ва маърифат, кадрлар тайёрлаш масалаларига тўхталар экан, янги-янги завод ва фабрикалар қуриш билан бирга, уларда ишлайдиган малакали мутахассислар тайёрлаш вазифасини ҳам назардан қочирмаслик кераклигига диққатни жалб қилди. Зеро, бусиз эртага барча қилинган меҳнат, чекилган ҳаражат бесамар кетиши мумкин. Вилоятда ишга туширилган ва энди қурилаётган кўплаб академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари айни шу масалани ечиб бериши жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир.

Учрашувда Бешариқ туманидаги 2-лицей ўқитувчиси Раъно Усмонова, Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадсоли Юсупов, Фарғона вилояти иқтидорли болалар 1-мактаб интернати ўқитувчиси Адолатхон Зоҳидова, ҳарбий хизматчи Ўктам Каримов, Ўзбекистон тумани хотин-қизлар қўмитасининг раиси Назоратхон Қодирова сўзга чиқиб, Ислом Каримовнинг Ватан ва миллат олдидаги улкан хизматлари халқимиз томонидан эътироф этилганини таъкидладилар, фарғоналикларни Ислом Каримов номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримов Давлат шошилинч тиббий ёрдам марказининг Фарғона филиалини бориб кўрди.

Шифохона ходимлари билан суҳбат чоғида мамлакатимиз раҳбари фуқаролар биринчи малакали тиббий ёрдамни давлат тарафидан бепул ва кафолатли равишда олиши лозимлиги, бу ишда шошилинч тиббий ёрдам марказлари асосий роль ўйнашини таъкидлади. Бундай марказларнинг энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланиши даволашга кетадиган вақт ва харажатларнинг қисқаришига олиб келади.

(ЎзА)

2000 **9** январь
Ўзбекистон Республикаси
ПРЕЗИДЕНТИ
сайлови куни

Халқ иродаси намоён бўлсин!

Жорий йилнинг 14 декабрь куни Гулистонда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдулҳафиз Жалоловнинг Сирдарё вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари етакчилари, меҳнат жамоалари ва фуқаролар йиғинлари фаоллари, хотин-қизлар ҳамда ёшлар вакиллари ҳозир бўлдилар.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 8-Сирдарё сайлов округи раиси А.Муҳамедов бошқарди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон ХДП Янгиер шаҳар кенгаши биринчи котиби С. Каримов Абдулҳафиз Жалоловнинг ҳаёт йўли ва ижтимоий-сиёсий ҳамда илмий фаолияти билан йиғилиш аҳлини таништирди.

Президентликка, номзод сўзга чиқиб, авваламбор, мустақиллик йилларида мамлакатимизда мисли кўрилмаган ижобий ўзгаришлар содир бўлганлиги, уларда Сирдарё вилояти меҳнаткашларининг ҳам салмоқли улуши борлигини таъкидлади. Сирдарё деганда, кўзим ўнгида, — деди у, — нафақат чўлга ҳаёт келтирган сунъий дарёлар, гулистонга айланган беёён саҳролар, сардобалар ўрнида бунёд этилган замонавий шаҳарлар гавдаланади. Сирдарё деганда мен, "тақдирни қўл билан яратар одам", деб оғир чўл шароитларида янги ҳаёт қуришга отланган, қийинчиликларни писанд қилмай меҳнат қилувчи, қишнинг изғирин совуғи ва ёзнинг жазирама офтобида тобланган, азамат чўлқувар, пахтакор, ғаллакор, қурувчиларни тасаввур этаман. Уларнинг шижоатли меҳнати билан вилоят республикамизнинг йирик аграр-саноат минтақасига айланди. Сирдарё иссиқлик электр станцияси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электр қувватининг учдан бир ҳиссасини бермоқда. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиши жорий йилда ўртача Ўзбекистонникига нисбатан икки марта ортиқ бўлди. Хорижий шериклар билан ташкил этилган қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, олдинги йилдагига қараганда, икки баробардан зиёд кўпайди. Вилоят деҳқонлари ҳам мардонавор меҳнат қилаяптилар. Кейинги йилларда вилоят маркази ва бошқа шаҳару қишлоқлар таниб бўлмас даражада ўзгарди — чиройли ва обод бўлди. А.Жалолов йиғилганларга Ўзбекистон ХДП III қурултойининг Президент сайловида, ўз номзодини кўрсатиш орқали, фаол иштирок этиш тўғрисидаги қарорининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириб берди ҳамда ўз сайловолди дастурининг асосий йўналишларига тўхталиб ўтди.

Мустамлакачилик ва мустабидчиликдан қутулган халқимиз III минг йилликка демократик тараққиёт байроғи остида кириб бормоқда.

Мамлакатимиз Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига 5 декабрда бўлиб ўтган ва келаси йилнинг 9 январига белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловлар шундан далолат беради.

Сайлов — демократиянинг зот белгиси. Усиз демократия йўқ.

Чунки, айни сайловларда халқ ўзининг хоҳиш-иродасини ифода этади ва сайланган вакиллари орқали уларнинг амалга ошишига умид боғлайди. Фуқароларнинг сайловларда иштирок этишлари нақадар фаол бўлса, уларнинг давлат ҳокимияти вакиллик идораларига ўз вакилларини сайлашдаги саъй-ҳаракатлари қанчалик онгли бўлса, халқнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш имкониятлари шунча кўпаяди.

Аммо, демократик сайловларнинг муҳим талаблардан бири — унинг кўппартиялилик асосида ўтиши, халқ вакилларининг муқобиллик асосида сайланишидир. Мамлакатимизда айни шу талаб асосида парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтганлигига ҳаммангиз гувоҳсиз. Демак, Президент сайловида ҳам халқимизга эркин танлаш ҳуқуқидан фойдаланиш имконини бериш лозим.

Албатта, Ўзбекистонни миллий мустақилликка олиб келиб, бутун дунёга танитган, мамлакатимиздаги туб ислоҳотлар сиёсатини ишлаб чиқиб, уни рўёбга чиқаришга раҳбарлик қилаётган И.А.Каримов билан ушбу сайловда беллашиш ўта мураккаб ишдир.

Партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муқобил номзодини кўрсатиш билан, мамлакатимиз танлаган ислоҳотлар йўлига ёки Президент И.А.Каримов сиёсатига қарши чиқмоқчи эмаслигини, балки халқимизга бўлажак сайловда танлаш имкониятини бериш учун шундай масъулиятли қадам қўйганини номзод алоҳида таъкидлади.

Мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқларимиз қанчалик муҳим ва ҳайратомуз бўлмасин, — деди у, — олдимизда турган вазифалар янада улкан, шарафли ва мураккаброқдир. Уларни муваффақиятли адо этиш учун А.Жалолов ўз сайловолди дастурида ислоҳотларни қуйидаги устувор йўналишларда давом эттириш керак, деб, ҳисоблайди:

Сиёсий соҳада — миллий давлатчилигимизни жаҳон андозаларига мос равишда такомиллаштириш мақсадида, сиёсий партияларнинг мавқеини мустаҳкамлаш ва аҳамиятини ошириш, давлат ҳокимиятининг қонунчилик, ижроия ва суд тармоқларининг ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз конституциявий ваколатларини мустақил амалга оширишларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтарилишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш;

иқтисодиёт соҳасида — олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришни кўзлаб, авваламбор, иқтисодий эркинликни амалда таъминлаш ҳар бир фуқаро учун ўзининг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш имкониятини муҳайё этиш, солиқларни рағбатлантирувчи омилга айлантириш учун мавжуд солиқ тизимини такомиллаштириш; ижтимоий соҳада — биринчи навбатда, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга қаратилган давлат дастурини ишлаб чиқишни тезлаштириш; саноатни қишлоққа олиб кириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг муайян қисмини жойида қайта ишлашни ташкил этиш, қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатишни жиддий тарзда кенгайтиришга доир истакларни амалга ошириш йўлида хорижий тажриба, инвестиция, техника ва технологиялар, қишлоқ тадбиркорларига кенг йўл очиб бериш, аҳолининг эҳтиёжманд гуруҳларини мақсадли ижтимоий муҳофаза этиш давлат сиёсатини янада изчилроқ юритиш; тиббий ёрдамнинг барча учун мақбул ва аммабоп шаклларини вужудга келтириш, хотин-қизлар ва ёшларга давлат ва жамиятнинг ғамхўрлигини янада кучайтириш; **маънавият соҳасида** — демократик асосларда қурилаётган жамиятимизда мафкуравий яккаҳокимликка бошқа ҳеч қачон йўл қўймаслик, фикрлар хилма хиллигини таъминлаш билан бир қаторда, мамлакатимиз фуқароларини яхлит миллат, муштарак халқ бўлиб бирлашишига хизмат этувчи миллий ғояни ватандошларимиз онгига сингдириш, ёшларимизни ислоҳотлар истиқболига содиқ, Ватан равнақи учун самарали меҳнат қилиш, уни ҳимоялашга ҳамиша тайёр этиб тарбиялаш, ислом дини ва бошқа динларнинг жамиятдаги аҳамиятини эътироф этган ҳолда, диний экстремизмнинг барча кўринишларига қарши барча чоралар блан курашиш ва ҳоказолар.

Дастуримизга кирган ушбу ва бошқа ғоя ҳамда таклифлар, — деди сўзининг охирида номзод, — аниқ режа ва лойиҳаларга айлантирилса, ислоҳотларни жадаллаштиришга, демакки халқимиз манфаатларига хизмат қилишига аминман.

Шундан сўнг бошланган музокараларда сўзга чиққан Мирзаобод туманидаги "Мирзачўл" фуқаролар йиғини раиси К.Мамарасулова, Ўзбекистон ХДП Гулистон шаҳар кенгаши биринчи котиби Қ.Юсуфалиев, Боёвут тумани партия ташкилотининг саркори Д.Ғозибеков ва бошқалар барча сайловчиларни тўққизинчи январь куни ўз фуқаролик бурчларини бажариб, муносиб номзод учун овоз беришга даъват этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Абдурасул ПАРДА олган сурат.

Узбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 21 декабрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади**

1 Австралия доллари	89,91
1 Австрия шиллинги	10,35
1 Англия фунт стерлинги	225,38
10 Бельгия франки	35,30
1 Голландия гульдени	64,62
10 Греция драхмаси	4,31
1 Дания кронаси	19,15
1 БАА дирхами	38,04
1 АҚШ доллари	139,70
1 Миср фунти	40,77
10 Испания песети	8,56
100 Италия лираси	7,35
1 Канада доллари	94,73
1 Хитой юани	16,87
10 Люксембург франки	35,30
1 Малайзия рингити	36,77
1 Германия маркаси	72,81
1 Польша злотийси	33,59
1 СДР	191,92
1000 Туркия лираси	0,26
1 Финляндия маркаси	23,95
1 Франция франки	21,71
1 Швейцария франки	88,92
1 ЕВРО	142,40
10 Жанубий Корея вони	1,24
10 Япония иенаси	13,56
1 Россия рубли	5,21
1 Украина гривнаси	26,94

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Акс — садо

Ўзбеклар миллатчи эмас

Ҳар қайси халқнинг кўнглига оғриқ солиш осон иш. Ўша халқ яхши кўрадиган, ардоқлайдиган нарсаларни йўққа чиқаришга уриниш билан эришиш мумкин бунга. Ёки ҳар қандай халқнинг миллий қаҳрамонини ҳақоратласалар, камситсалар ўз-ўзидан шу халқнинг ориятти топталади, иззат-нафсига оғир ботади, азият чекади.

Қадим маънавий илдизлар, урф-одатлар — ўтмишнинг уйғоқ кўзи бўлиб халқнинг дилида жо соф туйғуларни менсимасликнинг ўзи аслида маданиятсизликдир. Дабдурустдан бундай гапларни ёзишимнинг сабаби бор. Шу йилнинг 18 ноябрида чоп этилган «Комсомольская правда» газетасида эълон қилинган «Портрет явления: русские бегут» сарлавҳали мақола ҳар бир Ўзбекистонликни, нафақат ўзбеклар, балки Ўзбекистонда яшаётган барча халқларни, жумладан, русларни ҳам таажжубга солиши шубҳасиз. Мақолада бир ёқламалик, аниқроғи, миллатчилик кайфиятига урғу берилган. Россиялик журналистнинг «топилма» ва «кроссвордмонанд» мақоласида халқимизга хосу мос миллий ғурур тушунчаси миллатчилик билан атайлаб аралаштириб юборилган. Агар бу мақола ҳақиқатни даъво қилса, уни ёзган муаллиф чиндан ҳам шу икки тушунчанинг фарқига бормас экан, деган хулосага келишдан бошқа иложимиз йўқ. Айниқса, халқимизнинг миллий қаҳрамони, ғурури, фахри-ифтихори, тарих саҳнасида мангулик тимсоли бўлиб қолган Амир Темур ҳазратлари шаънига айтилган салбий гап киши кайфиятига ёмон таъсир қилади.

Ушбу мақола эълон қилинганига бир ой ўтар-ўтмас, Россия Бош вазири Владимир Путиннинг мамлакатимизга расмий ташрифи муносабати билан «Комсомольская правда» газетасида «Владимир Путин ва Ислом Каримов пахтадан робита барпо этмоқда» деган сарлавҳада салмоқли мақола чоп этилди. Мамлакатимиз Президенти газета мухбири билан бўлган ушбу суҳбат-мақолада бизнинг, ўзбекистонликларнинг рус халқига, қолаверса, Россияга нисбатан муносабатимиз нечоғлик тўғри ва самимийлигини таъкидлаб ўтди. «Комсомольская правда»нинг шарҳловчиси Президентимиздан олдинги мақола учун кечирим сўради.

Шу ўринда бир гапни айтиб ўтишимиз жоиз. Президентимиз таъкидлаганларидай, «Комсомольская правда» сингари нашрлар халқлар ўртасида робита ясаши керак. Ҳар хил қарашларга берилиб, енгил, ҳавойи-ҳаваскорларга ўралашиб, мавҳум йўналишдаги мақолалар билан «очко» олишга уриниш, албатта, яхшиликка олиб келмайди. Ҳақиқат устидан тўғри чизиқ тортиб сенсация ясашни ҳеч қайси журналистика мактаби оқламайди.

Миллий ғурур, такрор бўлса ҳам айтишга тўғри келаяпти, миллатчиликдан кескин фарқ қиладиган тушунча. Халқнинг ўз ўтмиши, тарихи, маданияти, улуғ фозиллари, адолатли шоҳлари, озодлиги, ўз Президенти билан ғурурланиши сира-сира миллатчиликка кирмайди. Миллий ғурури шаклланмаган, бу тушунчадан дили равшан тортмаган халқ — халқми?

Амир Темур музейидай тарих кўзгуси бўлган маскан, Самарқанд, Бухоро, Хива минораларидан, нақшинкор обидалар, асрларни қаритган муҳташам бинолардан завқланиб, элимда шулар бор, шулар бизники, шулар Ўзбекистонники, шулар қадимқадимлардан бери буюклигимизга гувоҳ, десак, фахр-ифтихор туйғуси билан кўнглимиздагини тўкиб солсак, нима шу миллатчиликка кирадими?

Ўғлимизга одобли бўл, полвон бўл, элнинг оласи эмас боласи бўл, ичма, чекма, ароққа муккангдан кетма, ота-онангни кексайганда кўчага ташлаб қўйма, оилапарвар бўл, мусулмончилик-инсонгарчиликни унутиб қўйма, десак, унинг юрагида, ботинида миллатимиз урф-одат, феъл-атворини уйғотиб, мустаҳкамлашга уринсак миллатчи бўламизми? Ўзимизни, халқимизни, ўзлигимизни оёқ остида қолишига ғуруримиз йўл қўймаса, қадримизни билсак, миллатчи бўлиб қоламизми?

Биз Ўзбекистонда яшаётган ҳеч бир халқни камситмаймиз. Бошқа миллат вакилларини ёмон кўрмаймиз. Буни уларнинг ўзлари эътироф этишади. Ўзбек ҳеч кимни бурнини қонатмаган. Зорқақшатмаган.

Турли хил миллат вакилларидан таниш-билишларим бор. Юртимиз пойтахтининг бағри кенг, иссиқ, ёруғ. Унда ўзбеклар қатори, бошқалар ҳам униб-ўсаяпти, ижод қилаяпти, Ўзбекистон байроғи остида бирикиб, истиқлолимиз мустаҳкамлиги йўлида меҳнат қилаяпти. Айтинг, улар шу байроқ остида ихтиёрий равишда якфикр бўлмадиларми? Айтинг, улар Ўзбекистонни Ватаним деб севишмайдими?

Барчаларининг қалбида улкан туйғу мужассам. Бу Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларидир.

Сабоҳат ҲАМДАМОВА,
тарихчи

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Инсоф ва иймон

Болалигимизда илмли одамлар дегувчи эди: кофирда иймон йўғ-у, аммо инсоф бор.

Бу фикрнинг давоми ҳам бўлиб, уни қаламга олмоқ мўмин учун оғир.

Баногоҳ яқинда бир воқеа сабаб шу калимани ёдга олдим ва ўйладимки, ўтмишда неки айтилибдими, худди тошдан-тошга урилиб оққан сув пишгандай, асрлар силсиласидан «омон чиққан» ҳар бир фикрда олам ҳикмати зоҳир экан. Лекин, бу ҳикматга «чигилган гўшт-ёғдай» қарамаслик керак. Бу фикрлар худди қаттиқ ёнғоқ кабидир ва унга кимнингдир тиши ўтар ва кимдир чақишга хафсала қилмай ташлаб юборар.

Ҳадисларда: ҳар Фиръавнга бир Мусо деб, айтилган. Бу ҳикмат замиридаги маъно қудратини англаган инсон шубҳасиз ўзини ёмон фикр, ёмон мақсадлардан тиймоғи, иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш тараддудига тушмоғи даркор. «Қиссаи Рабғузий»да нафс етмиш шайтондан ёмонроқдир, деган ибора зикр қилинган. Агар обдон ўйлаб кўрсангиз айнан нафс туфайли инсон ё иймон-эътиқод ёки хавфу-хатар манзилига йўл тутади. Энг ёмони кейинги йўлни танлаганлар ҳам инсофдан ва айни пайтда иймондан ажралади.

... Бир замонлар Боғдоднинг Чорсусида катта ёнғин чиқибди. Ҳамма нарса ёниб, кулга айланибди. Ўз даврининг етук уламоси ҳисобланган Сиррий Сақатий ҳазратлари воқеа содир бўлган жойга шошилар экан, танишига йўлиқибди.

— Ҳазрат, изтироб чекманг, сизнинг дўконингиз ёнмаган,-дебди ўша киши.

Донишманд беихтиёр «Алҳамдулиллоҳ» дебди. Шундай дебди-ю, бир калима сўзи туфайли тубсиз жарликка қулаб, гуноҳга ботганлигини ўша заҳоти англаб етибди. Зотан, у ўзга мўминлар бошига тушган мусибатларни унутиб, ўзининг дўкони сақланиб қолганидан се-

Сабоқлар

винган эди.

Ҳазрат бир нафаслик нафс қуйига тушганлиги боис беиҳоя надомат чекибди. «Ўттиз йилдирки, бу гуноҳимнинг айби учун жаноби Ҳаққа кўз ёшларим билан истиғфор айтаман, ожизлигимни мағфират этишини тилайман» дея умрининг охиригача шубҳада яшабди.

Яқинда автобусдаги йўловчилардан бири қуйиб-ёниб ёнидагиларга ҳикоя қиларди. Айтишларича, ўзига тўқ бир одам ўсимлик ёғи қимматлашаётганини «сезиб», ўн тонна ёғ олиб қўйибди. Мақсади вақт ўтиши билан қимматга сотиб, фойда кўриш экан. Агар ўша инсофсиз нафс балосига учрамаса, эҳтимолки бозорда ёғ бу қадар камёб бўлиб, нарх-наво осмону фалакка кўтарилмасмиди? Кўпчиликнинг ризқини қийиш ҳисобига орттирган бойлик рўшнолик келтирармикан, деди сўзининг охирида у. Албатта, бу бир мисол. Афсуски, бу каби инсофсизлик, бугунни ўйлаб, эртани унутишлик талайгина биродарларимиз учун жўнгина ишга айланиб қолмоқда. Искандар Зулқарнайндан тортиб, золим подшо Зоҳҳоккача бу ёруғ дунёдан бир сиқим қора тупроқ олиб кетолмаган-у, шуни била туриб инсоф-диёнат деб аталмиш гўзал ҳислатлардан бебаҳра айрим кимсалар дунё лаззатини фақат мол-дунё, айшу ишратда кўрадилар. Ҳалоллик, поклик, иймон-эътиқод ҳаловатини қалбида туймайдилар.

Кўнглимдан яна бир фикр кечди. Инсоф борда иймон ҳам пайдо бўларкан. Иймон ва инсоф эт билан тирноқ экан. Иймон бутлигига инсофу тавфиқ йўли орқали эришиларкан. Инсофни қўлдан бой бериб, иймон-эътиқодли бўлмоқ бамисоли қўйинини пуч ёнғоққа тўлдирмоқлик билан баробар экан. Иймонли одам албатта инсоф даражасида иш тутаркан. Инсоф иймоннинг қўрғони экан.

Илоҳим, ана шу қўрғонга асло дарз кетмасин.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ

Хазораспдаги ип-йигирув фабрикаси жамоаси 1999 йилни муваффақиятли якунламоқда. Бу ерда ўз ишининг устаси ҳисобланмиш пешқадам ишчилар талайгина.
Суратда: йигирув цехининг илғор ишчиси Юлдузхон Нуруллаева.

Саъдулло БОБО олган сурат

Йўқлик ва борлиқ ораси

Публицистика

Инсоннинг ғамга, қўрқувга кўникуви қийин бўлади.

Ғам ва қўрқув инсоннинг кўзини очади.

Кемада сузаётган сайёҳ табиатининг сеҳру жодусига маҳлиё бўлиб, тўлқинлар забтига ҳайрати тошиб, денгиз шовуллашига ҳаяжон билан боқаркан, шу кеманинг қайси бир бурчи тешилиб ичкарига сув оқиб кирсагина ҳаётнинг нақадар ширинлигини, атрофдаги гўзаллик энг аввало тирик инсонгагина бирор моҳият ва мазмун бағишлашини ҳис қилади.

Аэропортга қўниш арафасида самолётнинг носозлиги эълон қилинса, парвоздагиларнинг кўзи ярқ этиб очилади. Шу пайтгача улар мулгилаб, сақич чайнаб ёхуд порнографик журналми ё газетни варақлаб келаётган эдилар...

Оёғи ерга тегмаган, ҳаводаги инсон шундагина ернинг, ҳаётнинг, нақадар азиз ва ардоқли эканлигини ҳис қилади.

Эрталаб ишга чиқамиз. Кенжатойимиз инжиқлик қилса остонада туриб нимадир олиб келишга ваъда бериб, хайрлашамиз. Кўча тўла одам. Озода ва тоза кийинишган. Улар ҳам ишга кетаяпти. Шошилишмоқда. Ана қуёш чиқди. Бошлиғингиз қандайдир топшириқ берди ишда. Сиз эса ходимингизга у-бу иш буюрасиз. Кеч киради... Оилангиз бағрига шошиласиз! Фарзандларингизни шу бир кун оралиғида соғинганлигингизни ҳис қиласиз. Аёлингизга нимадир дегингиз келади. Хуллас, тириклик ташвишларига ўралашиб бир кунингиз ўтади! Шу кун, шу лаҳзалар энг ажойиб, энг ёруғ, энг саодатли дамлар эканлиги эса хаёлингизга ҳам келмайди. Агар юртда тинчлик бўлмай, уруш олови ёнса еган-ичганингиз ўзингизга татирмиди? Сиз, остонадан чиқиб оилангиз ҳузурига қайтиб ҳам келмаслигингиз мумкин эди. Оилангиз ҳам бўлмаслиги мумкин эди. Бошингиздан ўқ учиб турса, ён веринги портлаб, оловда ёнса, бу ҳаётга келганингизга пушаймонлар ер эдингиз. Тақдирга лаънат айтардингиз. Оиласи тир-тўзғиган, юрти ўқ-олов ичида қолган одамдан бахти қаро кимса борми дунёда?

Майли... Сиз, болаларингиз уруш нималигини, унинг даҳшати нечоғлик аянчли эканлигини билмайсиз. Видеода ё кинода кўрганингиз уруш шунчаки бир тасвир бўлиб туюлар. Энди бир кўз олдингизга келтиринг. Тонг пайти нонушта қилаяпсиз. Аллақаердан отилган ўқ чийиллаб веразани чилчил тўкди. Тош қотиб қоласиз. Ичингизда тушиниб бўлмайдиган ваҳмли оғриқ қўзғолади. Муздай совуқ ўлим нафаси урилади юзингизга. Бор-йўғи битта ўқ бутун бир оиланинг, шаҳарнинг, юртнинг, заминнинг тинчини бузиши мумкин.

Тинч ва осуда кунларда шукур айтмоқ — бизнинг, Сизнинг, ҳаммамизнинг кўнгил гапимиз, дилимизнинг энг тоза нияти бўлмоғи керак.

Тинчликни асраш учун сергак ва ҳушёр турган Инсонларни олқишлаш имонимиз, эътиқодимиз овози бўлиши керак.

Тинч юртда яшаш, яшнаш, кўпайиш эса бахтлар ичра бахтдир.

Бизга шундай ёруғ ва осойиш кунларни кўп кўргувчилар ҳам бор...

Тинч юртдагина ўзини билган, таниган Инсон ҳаётдан нолимайди. Ҳаётни қарғамайди.

Тинчлик қадрини туну-кун қон кечиб, ажалга чап бериб, бир сония бўлсада ботиний оғриқсиз яшай олмаган, бугуни қандай ўтади, эртага умри етадими, билолмасдан мияси зўриққан, шуури карахт қотган инсондан сўранг.

Тинчлик нима? Буни қўлига қурол олиб, ўз ҳаётини асраб қолиш ўзи каби Инсонни отаётган, ўз инсоний қиёфасидан эса мосуво бўлаётган одам боласидан сўранг.

Тинчлик нима?

Тинчлик нима?

Тинчлик нима?

Буни отасини уруш ўлдирган ГЎДАКлардан сўранг... Улар айтадилар — Тинчлик, отамиз бағримизда эди. Тинчлик, ҳаммамиз жамулжам эдик... Тинчлик бўлса, онамиз бизга иссиқ-иссиқ нонлар берадилар. Тинчлик, бизнинг ўйинчоқларимиз кўп бўлади.

Эй, дунё дейсан... Шу норасида мурғакларнинг кўзидан оққан ёш қабоҳатнинг, разолатнинг — урушнинг музларини эрита билмаса, у қандай бир куч эрур?! Одам боласининг қалбида заҳарли илонданда хавфлироқ тусда уя қурган разолатнинг номи нима?

Номи — Уруш!

Гўдакнинг кўз ёшига нима бепарво қарайди?

Уруш!

Гўдакнинг кўзларида чақнаган қулгунинг номи нима?

Тинчлик!

Гўдакнинг қиқир-қиқирлари маъносини ўгирсак нима бўлади?

Тинчлик бўлади?

Гўдаклар доимо кулиб, оиламизни нурга чулғаб турса ишимизда унум бўлади. Йўлимиз бароридан келади. Келажак ҳақида эзгу ўйлар сурамиз. Авлодлар иқболи учун буюк ишлар қилмоққа чоғланамиз. Тинч замонда кўнгилга тоғлар сиғади, боғлар сиғади, уммонлар сиғади. Кўнгилга қил сиғмас кунлардан Оллоҳнинг ўзи асрасин.

Арзимаган ишни деб бир-биримиздан кўнгил хиралик қилиб, гоҳида зиёли дўстларимизнинг ҳам шунчаки юмушлар гирдобида қолиб, бошқа бировларни яниб, изини пойлаб, пайини қирқишни режалаштириб юришимиз нечоғлик майдалашиб кетганимизни англатади. Каттароқ раҳбар кичикроқ мансабдаги кишини тепиб юборади. «Тепилган» ишдан бўшайди. Тепганнинг устидан юқорироқ жойга шикоят ёзади. Юқори, пастдагининг танобини тортади. Туппа-тузук, шу тахлит айрим раҳбарлар бир-бирига душман, бир-бирларига гўёки ёв! Ачинасан киши. Чинакам душман — тинчлигимизга чанг солгувчилардир. Чинакам ёв юртимизда Сизу бизнинг яхши яшашимиз, тинч ҳаёт кечиришимизни хоҳлаб, ҳаловатига ўт кетган иблис сифатлардир. Бугун бир-биримизга ака, ука, опа, сингил — биродар бўлайлик, битта мушт бўлайлик, битта Ўзбекистон бўлайлик, осойиштали дамларимиз ҳаққи-ҳурмати бир ёқадан бош чиқарайлик. Агар юртнинг тинчлигига дарз кетса сен яхши, сен ёмон, сенинг лавозиминг йўқ, деган гаплар сариқ чақага ҳам арзимай қолади. Эр бошига қора кун тушади. Этик кийиб сув кечишимизга тўғри келади. Ўшанда биламиз тинч Ватанда фароғат оғушида яшаш — нақадар ажойиб экан, деймиз. Тинчимизни ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмаслигини ўшанда тушунамиз. Ўшанадай кундан илоҳо Оллоҳнинг ўзи асрасин.

Мен урушда бўлдим. 18-20 ёшимда жанг қилдим. Отдим. Ўлдирдим. Яшаб қолиш учун ваҳший қиёфага кирдим. Шўро давлатининг мудҳиш сиёсати мени урушга ташлади. Бошқа юртга, Афғон тупроғига бостириб киришга мажбур бўлдик... Очиғи, кўпчилик босқинчилик қилганимизни англамасди ҳам. Лекин уруш даҳшатини, жанг олдидаги ҳуруж қилгувчи қўрқув ва жанг майдонида ақлҳушингни йўқотиб, тош қотиб, ҳайвонсифат бўлиб қолишингни эслассанг... уруш қиёмат-қойимдан бўлак нарса эмас, деган ўйга борасан...

Ана энди тинчлик, ёруғлик, бархаётлик билан, зимистонни, ажал комини, тўст-тўпалонни бир солиштириб кўринг. Юрагингиз орқага тортиб кетдими?

Урушни ҳаёлга келтириш, уруш ҳақида хотирлаш ҳар қандай одамнинг суяк-суягидан ўтиб кетади, зирқиратиб оғриқ қўзғатади. Уруш мавзусида асар ёзган ёзувчилар эса ҳеч қачон шу романимни ёзиб дунёга довруқ солай, машҳур бўлай, деган ўйга бормаганлар. Улар нима қилиб бўлса ҳам хаёлот осмонида хира булутдай ўрнашиб олган уруш манзараси ва қалбини қийноққа солаётган уруш азобларидан қутулиш учун ҳам қўлларига қалам олишган. Ҳа, Толстойнинг «Уруш ва тинчлик», Хемингуэйнинг «Алвидо, қурол», Ремаркнинг «Фронт ортида», Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романларида урушнинг даҳшатли манзараси ҳаққоний тарзда чизиб берилганки, уруш фожиасини тўлиқ ҳис қилган одам ақлдан озиши мумкин деган фикрга келасан. Ҳа, уруш комига тушган одамнинг ақли жойида бўлмайди. У ваҳшийлик изига тушиб қолади. Демак, ҳаёт, эзгулик гулларини ер билан яксон қилиб, қириш, тириклик илдизини қирқиш урушдаги инсон учун ҳеч қандай мусибат ҳам эмас, кўргулик ҳам эмас. Урушда қонлар дарё бўлиб оқади, қишлоқлар қуйиб кул бўлади... Одамлар ўлими эса майса ё бир гиёҳнинг синишичалик янгилик бўлмай қолади.

Шунда бир савол туғилади?

Инсон боласи шундайин ёвузлик қилиши мумкинми?

Жавобга тил бормайди.

Инсон инсонлигини йўқотгач ёвузлик қилади-да...

Одам боласи ёй ясаб овга чиққан кезлар, қадим чоғлардаёқ ер юзида тирикликнинг ҳаловатли кунларига соя ташланган эди.

Одам дастлаб ҳайвон овлади.

Қонни кўрди. Гўшт еди. Қўли баланд келди одамнинг. Ҳукмронлик туйғуси дилида ўт ола бошлади. У энди табиатни, борлиқни мавҳ этишни хоҳлаб қолди. Бора-бора ўз қавми ичида ҳам ажралиб туришни истади. Бу асов туйғуни жиловлашга ожизлик қилган одам боласининг шуури иллатлана берди. Ерларни, одамларни, боғларни, тоғларни ўзига қарам қилиш, бўйсиндиришга бел боғлаганларнинг ҳатти ҳаракати урушларнинг ибтидоий бир кўриниши эди, холос. Вақт ўтган сайин, тараққиёт кириб келаётган сари урушлар ҳам шаклланиб, ваҳимали тус ола борди. Тасаввур қилинг, одам ўлдиришнинг, қирғин-баротнинг ҳийла такомиллашган усуллари қўлланди. Қуроллар ўзгарди. Артиллерия майдонга кирди. Қуруқлик, сувлик, осмондан-да ажал уруғини тарқатиш имкони пайдо бўлди. Лекин, нима бўлган тақдирда ҳам урушларнинг, ўша ибтидоий урушларнинг моҳияти асло ўзгармай қолди. Ўзгармайди ҳам.

Ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг айтишича, ҳаёт пайдо бўлгандан бери ер юзида содир бўлган урушларни назарда тутсак, 60 йил яшаган одамнинг умрига 90 йиллик уруш тақсимланаркан. Бу даҳшат. Яъни, инсоният шу пайтгача, умумий маънода қараганда ёруғ кун кўрмабди, деган хулосани беради. Демак одамзоднинг ҳаётга келгандан бери тинч ўтган кунидан кўра нотинч кунлари кўп бўлган. Демак башарият турмуши урушларда кечган. Шу боис бугунги кун, тинч замоннинг ҳар сонияси учун минг бора қуллуқ қилсак озлик қилади.

Бизнинг асримизда ҳам уруш ўтида ёниб, қоврилаётган ўлкалар оз эмас. Афғон уруши бошлангани ҳам 20 йилдан ошиқ вақт бўлди. Бу урушда 18-20 ёшли ўғлонларимиз ўққа учдилар. Шўронинг ёлғон сиёсати ва чиркин мақсади, босқинчилик кайфиятидаги юришидан ҳеч ким наф кўрмади. Умуман олганда бу урушда ҳеч ким ғалаба қозонмади. Иқтидорли журналист Аҳмаджон Мелибоев совет давлатининг Афғонистонга қўшин олиб киришининг нақадар беъмани эканлигини қуйидаги жумларда таъсирчан ифодалайди: **Россиянинг қайси бир шаҳридаги қайсидир заводида ота кўрғошин ўқ тайёрлаяпти. Шу ўқларнинг бири Афғон урушида юрган ўғлига тегишини ота сезмаяпти**...

Нақадар аянчли манзара. Даҳшат. Адабиётнинг сочини оқартирадиган, унча-мунча адибнинг ақлини шошириб қўядиган гап. Шунинг, шу жумланинг ўзи аслида бир китоб. Урушнинг касофат, инсон ҳаётини остин-устун қилиб юборажак кулфатга, совуқ бир кучга эга эканлигидан далолат бу.

Яратганга шукр! Энг улуғ неъмат — Истиқлолимизни қўлга киритдик. 8 йилдирки, тинчлик барқарорлиги боис Ватанимиз ривожланиб бораяпти. Асакада ўзимизнинг автомобилларимиз ишлаб чиқарилаяпти. Самарқандда ишланган микроавтобусларимиз кўчаларимизда ғизиллаб қатнаяпти. Тошкентдан Ватанимизнинг истаган нуқтасига бормоқчи бўлсангиз хоҳ кеч, хоҳ кундуз улов топилади. Йўлларимиз текис. Равон. «Нексия», «Тико», «Дамас»лар хизматингизда. Тошкентдан то Термизгача бўлган катта йўл дейсизми, пойтахтдан водийгача бўлган довон йўли атрофи дейсизми, кета-кетгунча чойхона, ошхона. Чироқлар ёниқ. Ўзбек кўксини қўлга қўйиб меҳмон кутади. Бир пиёла чой тутади. Тўкинлик, сочинлик, тўқчилик. Оллоҳга шукр! Агар ярим кечасими, тонг маҳалими машинангиз бузулиб-нетиб қолса, уйидан жой беради. Одамлар бир-бирига ишонишади. Яхшиликлар қилгиси келади. Сизни мезбон кузатаётиб, шоиримиз айтгани каби исмингизни сўрамаслиги мумкин ҳам.

— Яхши боринг. Хуш бўлинг, меҳмонлар , — дейди мезбон.

— Раҳмат, биродар. Яхшилигингизни тўйларда қайтарай, — дейсиз.

— Ҳеч қиси йўқ, меҳмон.

Хуллас, шундай гап сўзлар билан Сизни кузатиб қолади.

Бу тинчлик сувратига мос энг ажойиб, ҳаммамизга таниш манзара эмасми? Ўзбек овқат қилса бир косагина таомни насиба деб, қўшнисиникига узатади. Қўшни ҳам унга қайтарма идиш қилади. Бир-бирини йўқлайди, иззатлайди, авайлайди. Бу тинчлик ва тотувликка ярашиқли ҳол эмасми?

Эрталаб фарзандимиз мактабга йўл олади. Устози унга оқибат, тинчлик хусусида сўзлаш асносида дунё билан бўйлашиш, сирлашиш синоатини ўргатади. Ўғлимиз хорижий тилни билади. Чароғон ўй билан яшаяпти у. Бу тинчликнинг музаффар тонгларидаги ёрқин қўшиқ эмасми?

... Бундан бир неча йил олдин мактабга бораётган афғон болакайининг қўлига ручка тутқазишди. Болакайнинг қувончи узоққа чўзилмади. Ручка портлади. Болакайнинг танаси титилиб кетди. Батоллик, қабиҳликдан бошқа нима бу? Бу уруш бу! Боланинг гуноҳи нима эди? Софлигими, беғуборлигими, тозалигими? Уруш бу нарсалар билан ҳисоблашиб ўтирмади.

Уруш болаларни ёмон кўради.

Уруш ҳаммамизни ёмон кўради.

Эсингизда бўлса, Россия телевидениесидан кўрсатишди. Шимолий Кавказда бандитлар иккита болани 3-4 ёшли норасидаларни сочларини юлиб азоблаганлар. Улар экранда жавдирабгина туришибди. Ларзага тушасиз. Ичингиздан олов отилиб, бўғзингизга тиқилади. Жажжи фарзандларингиз кўз олдингизга келади. Эҳ, ёвуз, ғўдакларда нима айб? Наҳотки, шу ишинг билан тинчликсевар башарият нафратига ғарқ бўлаётганингни сезмасанг? Ўша кўрсатувда террорчилар бир маҳбуснинг панжаларини болға билан уриб синдирдилар. Бир одамни ёвузларча отиб ташладилар.

Урушни, вайронагарчиликни бошлаш тарафида бўлганлар одам ўлдиришдан, инсонни қийнашдан ҳузурланадилар.

Бугун XXI аср остонасида ҳар биримизнинг хаёлимиздан бир ўй кечиши табиий. Ер юзи катта эмас. Эзгуликнинг эса қўли баланд, йўли ойдин. XXI асрда ер шари кимнинг қўлига ўтади. Эзгуликнингми? Наҳотки, қабоҳат... йўқ. Бани башар, тириклик бирлашиб тинчлик учун курашмоғи, ёнма-ён турмоғи бор гап. Ҳаёт мангу ва бардавом!

Кўчқор НОРҚОБИЛ

Газета—маънавий кўзгу

Бугунги кунимизни газетасиз тасаввур этиб бўлмайди. Газета ўқимаган куннинг нималигидир йўқотгандек ёки нимадир етишмаётгандек туюлади. Чуқурроқ ўйласак, бу — маънавий озуқа эканлиги аён бўлади. У қайси касбда ишламасин, ўша одамларга бир олам янгилик, завқ-шавқ бағишлайди. Бошқаларни билмадиму менда ҳамиша шундай: бугунги кунимизда кечаётган катта жараёнларни газеталарсиз умуман чуқур англаб етиш қийин, деб ўйлайман.

Қисқаси, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бизнинг соҳадаги ислоҳотлар кўпчиликни қизиқтирмоқда. Туманда 14 жойда кундузги даволаш бўлимларини ташкил этганмиз. 5 та қишлоқ врачлик пункти замонавий тиббиёт

ускуналари билан таъминланган. Биргина «Шоҳимардон» қишлоғида 50 миллион сўмлик қишлоқ врачлик пункти очилди. Унинг ускуна ва жиҳозларига 50 минг АҚШ доллари сарфланди. Туманимизда Бутун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти дастури бўйича сил касаллигини эрта аниқлаш ва қисқа муддатда даволаш учун 2 йилга етадиган дори-дармонлар таъмин этилган. Шифохонамиз қошида «Тез тиббий ёрдам» ўттиз ўринли махсус бўлим ташкил қилинган.

Туманимизда болалар ўлими кескин камайиши, юқумли сариқ касаллиги тўрт марта озайишида шифокорларимизнинг маънавий савияси ҳам катта роль ўйнаган, деб ўйлайман. Бу йил ўн нафардан ортиқ шифокорларимизнинг «Ўзбекистон овози»га обуна бўлганликлари ҳам улар маънавиятини тасдиқлаб турибди.

Мамарўзи МАМАЖОНОВ,
Фарғона тумани, марказий шифохонаси бош ҳакими.

«Обуна — 2000»

«Мулоқот»га обуна бўлдингизми?

«Мулоқот» журнали ўн йилдан буён қўлингизга бориб тегмоқда.

Бугун унинг ўн минглаб мухлису муштарийлари бор. Чунки журналнинг асосий мақсад ва маслаги инсонийликни эъзозлаш ва келажак уфқларини аниқ кўра билишга интилишдан, унутилиб бораётган ўтмишни жонлантиришдан иборат бўлди. Шу боис мустақиллик ғояларини, тарихимизнинг машҳур ва нодир саҳифаларини ёшларимизга, маънавиятимиз ихлосмандларига етказди. Буюк бобокалонларимиз, бизнинг юртдошларимиз бўлган Шарқу Ғарбда машҳур файласуфлар, алломалар, мутафаккирлар, муаррихлар, азиз пиру авлиёларнинг ҳаётлари ва аъмоллари ҳақидаги мақолаларимиз ўқувчиларнинг катта қизиқишини уғотмоқда. Бугунги кунимиз муаммолари ва келажак учун жонкуярлик ҳам журналнинг асосий мавзуидир. Айниқса, маънавиятимиз ва иқтисодиётимиз муаммолари кўтарилган мақолалар журналхонларимизнинг фикр-мулоҳазаларига сабаб бўлмоқда.

«Мулоқот» журнали халқимиз келажаги, Ватанимиз равнақини кўзда тутган ҳолда ҳар қандай табақа вакиллари билан атрофлича ва чуқур мулоқот қилишга тайёр. Журналимиз ҳар бир хонадонга тинчлик ва барқарорлик шабадасини, келажакка ишонч, тинчлик, озодлик ва мустақилликка шукроналик руҳини олиб киражак.

«Мулокот» журналига обуна бўлинг.

Нашр кўрсаткичларимиз: Якка обуначилар учун-844, Ташкилотлар учун-845.

Аэропортларимиз чирой очмоқда

Кейинги йилларда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан аэропортларимизни модернизациялаш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Бу эса йўловчиларга парвоз чоғида ҳам ва ерда ҳам жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш имкониятини яратмоқда. Маълумки, Самарқанд, Бухоро ва Урганч аэропортларини модернизациялаш лойиҳасини рўёбга чиқариш учун Япония томони 1996 йилда Ўзбекистонга «Ривожланиш учун расмий ёрдам (ОДА)» дастури доирасида имтиёзли кредит берган эди. Қурилиш ишларини бажариш икки босқичда амалга ошириш мўлжалланганди. Биринчи босқичдаги ишлар тўла бажарилди ва иншоотлар фойдаланишга топширилди. Бу Бухоро ва Урганч аэропортларига халқаро аэропорт мақомини олишга имкон берди. Самарқанд аэропорти бундан аввалроқ халқаро аэропорт мақомини олган эди. Иккинчи босқичдаги ишлар Урганч аэропортида янги аэровогзални қуришни, Бухорода қурилиши тугалланмаган аэровогзал биноси қурилишини якунланишини, ҳар учала аэропортда ҳаво ҳаракати бошқарув тизими биносини қуришни ўз ичига олади. Улар учун зарур радиотехник асбоб-ускуналарни етказиб бериш ва монтаж қилишни тендерда ғолиб чиққан «Алания Маркони Системс» амалга оширади

Шу йилнинг 25 ноябрида Токиода Ўзбекистон Республикаси ва Япония ҳукуматлари ўртасида имтиёзли кредит бериш юзасидан нотолар имзоланган. Кредит битими 14 декабрь куни Тошкентда имзоланди, ўтган шанбада эса «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори Арслон Рўзметов ва «Алания Маркони Системс»нинг бошқарувчи директори Пруденте Паоло томонидан битим имзоланди. Ушбу фирма томонидан ишлаб чиқариладиган асбоб-ускуналари ҳар бир аэропортда ўрнатилади. Улар халқаро андозалар даражасида ҳаво ҳаракатининг самарали ва бехатар бошқарувини таъминлайди. Дарвоқе, «Алания Маркони Системс»нинг ҳаво ҳаракати бошқаруви асбоб-ускуналари жаҳоннинг 80 дан ортиқ мамлакатларида фойдаланилмоқда. Иккинчи босқич ишлари ниҳоясига етказилгач, аэропортларимизнинг парвозлар хавфсизлигини таъминлаш учун аэронавигация тизимлари ишончлилигини янада оширади ва халқаро андозалар даражасида қўшимча сервис ишларини кўрсатишга имкон беради.

Алишер РЎЗИЕВ

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

ЧЎЛПОН

ЯНГИЛИК!

БОЛАЛАР УЧУН!

2000 ЙИЛДА ЛОТИН АЛИФБОСИДА 24 ТА КИТОБ НАШР ЭТИЛАДИ.
БАРЧА АЛОҚА БУЛИМЛАРИДА ОБУНА БУЛИШ МУМКИН.
ОБУНА ЙИЛ МОБАЙНИДА!
ИНДЕКС: 10163 ДАН 10186 ГАЧА.

ҚИММАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

МАКТАБ-МАОРИФ МУТАСАДДИЛАРИ!
ЖАМОА, МУАССАСА, ИДОРА РАҲБАРЛАРИ!

ЛОТИН АЛИФБОСИДА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН БОЛАЛАРИНГИЗНИ БОЙ ТАРИХИМИЗ, МАДАНИЯТИМИЗ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТИМИЗ, ЗАМОНАВИЙ БИЛИМЛАР БИЛАН ОШУФТА ҚИЛИШ, УЛАРГА РУҲИЙ-МАЪНАВИЙ МАДАД БЕРИШ БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗДИР.

«ЧЎЛПОН» НАШРИЁТИ

"ЧЎЛПОН КУТУБХОНАСИ" ДАН 2000 ЙИЛДА НАШР ЭТИЛАДИГАН КИТОБЛАР РЎЙХАТИ[1]

Индекс №

10163. УОЛЬД ДИСНЕЙ. *СИМБА.*
10164. *ҲЕНРИ ФОРД — АВТОМОБИЛ ҚИРОЛИ.*
10165. *ЙЎЛБАРС ЕТАКЛАГАН ЙИГИТ.*
10166. ОНА ВАТАН РАМЗЛАРИ.
10167. ИРИСМУҲАММАД. *МЕН ГЕНЕРАЛ БЎЛАМАН.*
10168. ОЗОДА ЭРКИН ҚИЗИ. *СЕНИ ЎРАГАН ОЛАМ.*
10169. А. ЗОҲИДИЙ. *ИХТИРО ҚАНДАЙ ЯРАТИЛАДИ?*
10170. Ё. АБДУЛЛАЕВ. *БОЗОР ВА БОЛА.*
10171. *ЕТТИ УСТАНИНГ АСЛАҲАЛАРИ.*
10172. Ф. ОРИПОВ. *ЎЙЛА, ТОП.*
10173. А. СОБИРЖОН ЎҒЛИ. *КЎКЧАЛИК БОЛА КЎЧАДА.*
10174. А. УМАРОВ. *ЕРГА САЁҲАТ.*
10175 *ТУРФА ОЛАМ.*
10176. М. НАБИЕВ. *ЎСИМЛИКЛАР СИРИ.*
10177. *КОМПЬЮТЕР ОЛАМИ.*
10178. ҚОРАБОЕВ. *ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИ.*
10179. *ЎЗБЕК БОЛАСИ ҲОРИЖДА.*
10180. *НОННИНГ ЯРАТИЛИШИ.*
10181. *ЎЗБЕКИСТОН ҲАЙВОНОТ ВА ҚУШЛАР ДУНЁСИ.*
10182. Ғ. ҒУЛОМ. *ШУМ БОЛА САРГУЗАШТЛАРИ.*
10183. А. УМАРОВ. *КОИНОТГА САЁҲАТ.*
10184. *ҲИНД ЭРТАКЛАРИ.*
10185. *ЯПОН ЭРТАКЛАРИ.*
10186. *ЭНГ УЛКАН ВА ЭНГ МИТТИ.*

[1]Талаб, эҳтиёжлардан келиб чиқан ҳолда рўйхатга баъзи ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Давонлилар жасорати

Миллат ва тарих

«Қаҳрамон аждодларимиз, фидойи ватандошларимнинг дилдан ўчмас, тилдан тушмас хотира ва сиймолари қаршисида бош эгаман, руҳларига сиғинаман».

Маннап Эгамбердиев «Сариқ аждар ҳамласи».

Фарғона водийси. Бир вақтлар қайсидир ширинсўз шоирлардан бири Ўзбекистонимизни шоҳи сўзанага, Фарғона водийсини эса унинг энг гўзал гулига ўхшатиб лутф қилган экан.

Бу ерга жаҳонни зир титратган Кайхусрав ҳам, Доро I ва Искандар (Александр Македонский)лар ҳам кира олмадилар.

Эрамиздан аввалги 104-102 йилларда, яъни бундан 2100 йил муқаддам фарғоналикларнинг жасоратини XX асрлик маданий тарихга эга бўлган қадимнинг қудратли Хитой империяси ўз танасида синаб кўрди. Шу йилларда улар ўзлари Давон деб атаган бизнинг юртимизга 60 минг кишилик сараланган қўшин, ўзиотар қуроллар билан икки марта ҳужум қилиб биринчисида енгилдилар ва иккинчи ҳужумда мажбуран икки томонлама сулҳ тузиб қайтдилар. Бу ҳақда андижонлик ёзувчи Маннап Эгамбердиев ажойиб роман ёзиб, уни аввал рус тилида «Тяжёлая тень дракона» номи билан Москванинг «Воениздат»ида, сўнг эса Ғафур Ғулом нашриётида «Сариқ аждар ҳамласи» номи билан ўзбек тилида чоп эттирди.

Давон жанггида томонлардан 120 минг жангчилардан ташқари кўплаб оддий аҳоли вакиллари қатнашди ва уларнинг жуда кўпчилиги ана шу мудофаа жангида қурбон бўлдилар. Эрши қалъасига етиб кела олмаган ёғийлар шаҳар ва қишлоқларни талон-торож қилиб ўт қўйиб юбордилар. Аҳоли қирғин қилинди ва мана шу қурбонлар эвазига давонликлар узоқ муддатларгача ўз мустақилликларини сақлаб қолдилар.

Ҳозирги Марҳамат шаҳри ёнидаги Мингтепа харобаларини тарихнинг ана шу олисларида қолган қаҳрамон Гуйшуан ёки Эрши шаҳри эканлигини исботлаш ҳам осон кўчгани йўқ. То 1950 йилларга қадар айрим тарихчилар бу шаҳарга Косон ва Ўзганни даъвогар қилиб келдилар, фақатгина 1939 йилда машҳур археолог олим М. Е. Массон биринчи бўлиб Мингтепа харобаларини ўрганди ва уларни Айримачтовдаги қадимий от сувратларига боғлаб ўша машҳур Гуйшуан-Эрши мана шу Мингтепа харобаси бўлиши мумкинлигини айтди. Шундан сўнг бу ерда 1949-52 йиллар давомида археологик тадқиқот ўтказган А. Н. Бериштам бу хароба Эрши эканлигини тасдиқлаб ўзининг 1950 йилда ёзган «Қадимий Фарғонада» («В древней Фергане») асарида эълон қилди. Ҳозирда Мингтепанинг Гуйшуан ёки Эрши эканлигини бутун жаҳон тарихи тан олган.

Шундай қилиб, Давон тарихига ўтамиз. Хитой императори Ру-Ди шимолий кўчманчи унгутларга (Оврупоча Хун-ну В. Д.) қарши курашиш учун ўзига иттифоқчи излаб Чжан Цан номли ўз элчисини ғарб мамлакатлари, яъни ҳозирги Марказий Осиёга жўнатди. Элчи эр.ав. 139-126 йиллар давомида бу ўлкалардан ўзига иттифоқчи топа олмаган бўлса-да, ватанига бу ерлар ҳақидаги жуда муҳим стратегик ва сиёсий маълумотлар билан қайтди.

Унинг маълумотлари орасида Давон давлати ҳақида қуйидаги ахборотлар мавжуд Давон пойтахти Гуйшуан, Эрши. Мамлакат аҳолиси 60 минг хонадон ва 300 минг киши, 60 минг кишилик мунтазам қўшинга эга. Улар отлиқ ва пиёда, яхши жанг қила оладилар. Найза, камон, қилич ва қалқонлар билан қуролланишган. Давонда 70 дан ортиқ катта ва кичик шаҳарлар бўлиб, уларда 10 мингдан 100 минггача аҳоли яшайди. Шаҳарлари обод ва ҳамма жойда яхши навли узумлар етиштирилади. Узумлардан аъло нав мусалласлар тайёрланиб, бой хонадонларда ўн йиллаб сақланади.

Давонда дунёнинг энг чопқир тулпорлари — «Самовий отлар» етиштирилади. Бу отлар чопганида ўзларидан қонли кўпик чиқарадилар, бу уларнинг осмон отлари эканлигидан далолат беради. Уларни му-су, беда ўсимлиги билан боқишади. Бозорларда Хенду (Ҳиндистон)дан келтирилган бамбук таёқлари, Дацин (умуман Ғарб), Рим (Византия, Сурия)дан келтирилган етти хил рангдаги ойнаклар сотилади. Ҳунармандчилик ўрта подшоҳлик даражасида ривожланган. Давон аҳолисининг тили ва урф-одатлари бошқа ғарб давлатларинникидан фарқ қилмайди. Давон шимолдан Канха, ғарбдан Юэчжи, жанубий-ғарбдан Дахя, шарқдан Юйтай, Ганми Шарқий Туркистон билан чегарадош.

«Бу маълумот императорни Давонга жуда қизиқтириб қўйган эди. Бироқ императорнинг бу мамлакатга етишуви осон кечмади. У мамлакатни жуда қийин аҳволга солиб бўлса-да, шимолий кўчманчиларга қарши уруш бошлаб эр.ав. 126-121 йиллар давомида уларни шимолнинг ичкарисига суриб ташлади ва ниҳоят 121-116 йиллар давомида Қошғар, Иссиккўл, Чу, Или водийлари бўйлаб ўз элчилари ва савдо карвонларини манзилма-манзил кузатиб, озиқ-овқат билан таъминловчи қалъа шаҳарлар барпо қилганидан сўнггина эр.ав. 116 йилда «Буюк ипак йўли» бўйлаб ҳаракатлар бошланди.

Турган гапки, Ғарбга жўнатилган элчилар орасида биринчиси ўша машҳур Давонга жўнатилган элчи Гао Дин Хан бўлди. У Давон подшоҳи (Чан Фин) билан икки томонни қониқтирувчи муваффақиятли савдо шартномаси тузди. Унга кўра, Давон Хитойга ҳар йили бир жуфт «Самовий тулпор», мусаллас ва бошқа хашаки отлар бериб Хитойдан қуйма олтин ва кумуш тақинчоқ, рўзғор буюмлари, ипак матолар оладиган бўлди. (Хитойликлар бу қуйма олтин ва кумушдан танга зарб этишга эмас, балким зеб-зийнат буюмлари ясашаётганликларини кўриб ҳайратда қолган эдилар).

Шу тариқа элчилар Хитойга ҳали номаълум бўлган узум, лоқ ва рангли шиша идишларни Фарғонадан олиб кетдилар. Император Давондан келтирилган бойликларни шу қадар азиз тутар эдики, орадан кўп ўтмай унинг барча ички ва ташқи саройлари бедапоя, узумзорларга айланиб кетди. Самовий отлар империянинг фахри бўлиб император уларни энг тантанали маросимлардагина миниб, қолган вақтда чет эллик олийзот элчиларга кўз-кўз қилиб фахрланарди.

Бироқ, шу тариқа деярли 10 йил давом этган дўстлик ришталари бир элчининг фаросатсизлиги туфайли барҳам топди. Элчилик назокатларидан йироқ, аммо паҳлавонлиги билан саройда шуҳрат топган Че Лин эр.ав. 110-108 йилларда Давонга навбатдаги элчи бўлиб келади. Император унга жуда кўп олтин ва кумуш ёмбилар, тақинчоқлар ва ипак матолар, шу жумладан битта соф олтиндан қуйилган от ҳайкалчасини ҳам жўнатиб, Хитойга жўнатиладиган отлар сонини кўпайтиришни сўраган эди. Элчи Давон подшоҳи Муғойдан қабулида бу илтимосни буйруқ тарзида ифода қилиб Давон оқсоқолларининг ғашига тегди. Улар қўшимча от жўнатишни рад этдилар. Бундан ғазабланган Че Лин ўртага ўрнатилган ўша «Олтин тулпор» ҳайкалчасини ағдариб қабулхонадан чиқиб кетади. Сўнг саройдаги шерикларини ҳам зудлик билан отлантириб дарҳол ўз мамлакатларига қараб йўл олдилар. Энди гаи хато Муғойдан ўтди: у элчилар ортидан лашкар жўнатиб, уларни қириб мол-мулкини мусодара қилдиради.

Орадан кўп ўтмай, бу воқеа бутун тафсилотлари билан императорга етиб боргач, у дарҳол ҳарбий кенгаш чақириб Давонга қарши уруш бошлаш масаласини қўйди. У агар биз Давондек кичик давлатдан элчиларимиз учун ўч олмасак Ғарбдаги эндигина тикланаётган давлатлар олдида обрўйимизга зарар етади, у ердаги обрўйимизни йўқотамиз, дея зудлик билан ҳарбий тайёргарлик бошлашни талаб қилди. Урушга қарши чиққан собиқ элчи Дин Хуан ва бошқа вазирларни судга берди.

Империя бу урушга 4 йил тайёрлангандан сўнг эр.ав. 104 йилда кўп минг кишилик ёрдамчиларидан ташқари 60 минг сараланган қўшин, катта заҳирадаги ўзиотар қуроллар, 100 минг буқа, 30 минг от, 10 минг хачир, туя ва бошқа юк ташувчи ҳайвонлар билан Эргаштом орқали Давонга тушиб келдилар. Ҳар эҳтимолга қарши Хитойнинг ўз чегараларига 180 минг жанговар қўшинлар қўйилди.

Давонга бошланган 104-103 йиллар давомидаги жанглар Хитой учун муваффақиятсиз тугади. Ниҳоят, 102 йилга келиб, маҳаллий шароитга анчагина мослашув ҳосил бўлгач, Ли Гуан Ли—Эршилик (Император унга Эрши қамалидан сўнг, руслардаги Дмитрий Донский каби Эршилик унвонини берган) бошчилигидагй қўшинлар бир неча жангларда ғалаба қозонишиб, пойтахт Эрши остоналарига етиб келдилар. Бундай ғалабалардан мағрурланган саркарда Эршилик бирданига иккинчи марказ Ю (Ўзган)ни ҳам қамал қилмоқчи бўлди. Аммо, унинг саркардалари бунга қарши чиқишиб, аввалига Эрши қамалини бир ёқлик қилиш керак деб Ўзганга юриш қилишни рад этишди.

Қамал бошланишидан аввал Эршини ичимлик суви билан таъминловчи тўғон бузиб ташланиб, шаҳар сувсиз қолдирилди. Палахмон ва бошқа ўзи отар қуроллар ишга солиниб, шаҳарнинг ташқи девори бир неча жойдан бузиб ташланди. Бир неча Давон оқсоқоллари жанглар пайтида хитойликлар қўлига тушиб қолди. Жасур ҳимоячилар энди фақатгина ички, подшоҳ саройининг баланд ва мустаҳкам деворлари ортига киришиб мудофаани давом эттирдилар. Вақти-вақти билан ичкаридан от суриб чиқиб Хитой лашкарларини пароканда қилишар ва қандай тез чиқсалар, шундай тезлик билан саройга қайтишарди.

Шу орада Хитой армиясининг озиқ-овқат захиралари тугай бошлади ва бу ҳол ўз навбатида водийда талончиликнинг кучайишига олиб келди. Қўшин орасидан расмий ва норасмий талончилар бутун водий бўйлаб тарқалиб, ҳимоясиз қолган шаҳар ва қишлоқларни талашарди. Асосан, бу ерларда қолган гўдак ва кексаларни қатл қилиб, сўнг уйларига ўт қўйишарди. Шу тариқа водийнинг текисликларида яшовчи аҳолиси бутунлай қирилиб битди. Тоғлик аҳоли эса қўл етмас дара ва ғунгурларга қочишиб жон сақладилар. Оч қолган Хитой лашкарлари водийнинг бутун чорвасини қирғин қилиб едилар.

Ниҳоят, обдон чарчаган томонлар сулҳ музокараларига ўтишди. Давон оқсоқоллари томонидан тайинланган элчи Моцай Хитой ҳарбий бошлиқлари Ли Гуан Ли - Эршилик, саркардалардан Чжао Чен ва Ли Ченлар билан учрашиб, уларга «Агар урушни тўхтатиб, ватанларига қайтсалар бир неча ўн «Самовий тулпорлар, ўзлари танлаб олиш шарти билан 3000 хашаки от, бундан ташқари то қўшин Хитойга етиб боргунча етадиган озиқ-овқат билан таъминлашларини, акс ҳолда эса давонликлар то охирги одамлари қолгунча урушиб императорни қизиқтирган ўша зотдор тулпорларни битта ҳам қўймай қириб ташлашларини айтадилар.

Дарҳақиқат, хитойликлар қўлидаги маълумотларга кўра, ҳали Эршида озиқ-овқат заҳиралари кўп бўлиб Дацин (Рим ёки Сурия)дан келган қудуқ қазувчилар иш бошлаган эдилар, қолаверса, Давон чегараларида ҳарбий ёрдамга келган Канхаликлар илғорлари пайдо бўлган эди. Икки ўт орасида қолишдан чўчиган лашкарбошиларнинг сулҳга рози бўлишдан бошқа иложлари қолмади.

Шундан сўнг, улар сулҳда кўрсатилган нарсаларни олиб Давон элчилари билан биргаликда ўз юртларига равона бўлдилар. Бироқ, ҳали улар чегарадан чиқмай турибоқ, Давонда қўзғолон кўтарилиб томонлар розилиги билан сайланган янги подшоҳ Моцай Хитойга ён босишликда айбланиб ўлдирилди ва илгариги подшоҳнинг укаси Жушан подшоҳ қилиб сайланди. Воқеадан хабар топган хитойликлар янги можаролардан чўчиб, бу Давоннинг ички иши деб аралашмайдилар.

Моҳир сиёсатчи Ву-Ди вазиятдан жуда унумли фойдаланиб, бутун Ғарб мамлакатлари ва ҳатто олис Римгача «Давон устидан қозонилган буюк ғалаба» хабарини етказувчи элчилар жўнатди ва бу сиёсат ўзини тўлалигича оқлади ҳам. Элчи Чжан Цаннинг ёзишича, бу ғалаба хабари бутун Ғарб мамлакатларини ларзага солди, улар эндиликда Хитойнинг ҳарбий қудратига ишонадиган бўлдилар. Кўплаб мамлакатлар Унгуртлардан кўра Хитойни кучли билиб, ундан ҳимоя сўраб ўз элчиларини жўната бошладилар. Ву-Ди замонасида Хитой ҳимоясидаги давлатларнинг сони 3-6 тага етган.

Шундай қилиб, давонликлар оғир йўқотишлар ҳисобига бўлса-да ўз мустақилликларини вақтинча сақлаб қолдилар. Водийда бу уруш асорати узоқ вақтларгача сезилиб турди. Ўша даврнинг машҳур шаҳарлари Шаҳри Хайбар, Шаҳри Барбар, Қалъаи Муғ, Тахти бист каби 70 катта-кичик шаҳарнинг кўпи мана шу уруш туфайли вайрон бўлди. Давон вақтлар ўтиши билан яна тикланди, аммо уларнинг бу жангда кўрсатган жасорати халқимиз хотирасидан асло унутилмаслиги керак.

Валижон ДАДАЖОНОВ,
Халқаро «Олтин мерос» жамғармаси Андижон вилоят бўлимининг илмий маслаҳатчиси



Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими пойтахтнинг қоқ марказидаги Абулқосим мадрасасида фаолият кўрсатмоқда. Бўлимнинг асосий мақсади ўтмиш, узоқ-узоқларга бориб тақаладиган ҳунармандчилик тарихини тиклаш, унга жило бериш, қолаверса ҳунармандчиликка лаёқати бор ёшларга ҳунар ўргатишдир.

Мадраса хужраларида 50 нафардан ошиқ уста ижод билан машғул. «Олтин мерос» жамғармаси аъзолари — ёғоч ўймакорлари, нақкошлар, заргарлар, миниатюрачи рассомлар ва сандиқчилардир.

Суратларда: 1. Ҳунарманд усталар Суннатилла Азимов (чапда) ва Исматулла Жўрабоевлар ўзаро суҳбатда. 2. Миниатюра рассоми Маҳмуд Ёқубжонов. 3. Сандиқчи Бахтиёр Қосимов.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

Журналистлар оқсоқоли

Орамиздаги одамлар

Сурхондарёда бу инсонни фидойи журналист, ўз касбининг маҳоратли соҳиби, кўпгина қаламкашларнинг устози сифатида билишади. 60-70 йилларда Авлиёқул Халиловнинг исми-шарифи «Совет Ўзбекистони» газетаси саҳифаларида тушмас, хусусан, унинг фельетони, репортаж, танқидий мақолалари эълон қилинган сонлар қўлмақўл бўлиб кетарди. Газетада «урилган» порахўр, қаллоб, халқнинг мулкига кўз олайтирганлар терак баргидек титрашарди.

1937 йил Авлиёқул Халилов ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Республикадаги энг обрўли «Қизил Ўзбекистон», ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасида унинг «Отақуловнинг қилмишлари» сарлавҳали танқидий мақоласи босилиб чиқди. Ёш журналист бу материалида Термиз туманидаги Пахтаобод қишлоқ Совети раисининг қинғир ишларини қаламга олган эди. Мақола катта акс-садо берди, қишлоқ Совети раиси вазифасидан олиб ташланди ва жиноий ишлари судга оширилди. Бу, бир жиҳатдан, ёш қаламкаш обрўсининг ошишига олиб келган бўлса, иккинчи томондан, уни кўпроқ ёзишга илҳомлантиради. «Қизил Ўзбекистон», «Илғор Сурхон учун» газеталарида Авлиёқул Халилов имзоси билан публицистиканинг турли жанрларида қатор мақолалар эълон қилинди. Натижада, 1955 йилнинг кузида «Қизил Ўзбекистон» газетасининг партия турмуши бўлимига ишга таклиф қилишди. У бўлимида икки йил ишлади, ижод қозонида қайнаб-пишди, устоз-ижодкорлардан касб сирларини ўрганди, қалами чархлана борди. 1957 йил октябрдан эса уни газетанинг Сурхондарё вилояти бўйича ўз мухбири қилиб ишга юборишди. Ўз ёш журналистга билдирилган катта ишонч, унинг газета номидан мустақил фаолият юрита билишига бўлган умид-эътибор эди. Авлиёқул Халилов бу умид-ишончни оқлаш йўлида астойдил ҳаракат қилди. 31 йил марказий газетанинг чекка вилоятидаги вакили сифатида катта обрў-эътибор қозонди. Шу йиллар давомида унинг ўнлаб очерк, фельетон, лавҳа, репортаж, хабарлари дунё юзини кўрди, халқ фаравонлигини ривожлантиришга хизмат қилди. Хусусан, унинг Термиз шаҳар гўшт-сут комбинатидаги қинғирликлар ҳақидаги «Очил дастурхон», Деновдаги юлғичликлар хусусидаги «Юлғич» ва журналист Чори Алимов билан ҳамкорликда ёзган «Туяга қанот битса...» каби фельетонлари катта акс-садоларга сабаб бўлди. Авлиёқул Халилов қаламига мансуб, 1972 йилда чоп этилган «Қоч, зўравон келяпти» сарлавҳали фельетонда бир гуруҳ жиноятчилар сирлари фош этилди. Аламзадалар бунинг учун ўч олиш йўлини тутишди. Улар Авлиёқул Халиловнинг жигар пораси, 25 яшар тўнғич ўғли Ҳамроқулни ўлдириб кетишди. Орқадан келиб, юрагига санчилган бу тиғ зарбидан забардаст журналист ҳар қанча азият чекса-да, қонзардоб ютса-да, иродаси букилмади. Муросасиз курашда, камчиликнуқсонларни аёвсизлик билан фош этишда давом этди. Қинғирлар дилига хавф-қўрқув солди. Журналист Миршароф Муҳсимов ўзининг Авлиёқул ака ҳақидаги «Қалб кўрини газетага бағишлаган» сарлавҳали очеркида: «Образли иборалардан ўринли фойдаланиш, салбий характерни очиш маҳорати, фельетон қаҳрамоннинг ўз тилидан гапиртириб, ўзини ўзи фош этиш услуби — буларнинг ҳаммаси мухбир Халилов ижодининг асосий белгилари ҳисобланади. «Ҳамтовоқлар» сарлавҳали фельетон ҳам ўзининг ўткир тили билан кўпчилик ёдида сақланиб қолган», деб ёзса, узоқ йиллар Авлиёқул Халилов билан бир газетада ёнма-ён ишлаган устоз-журналист Холбек Ёдгоров ўзининг «Нурли йўл» китобида: «Ёзган мақолаларини, очерк ва лавҳаларини, репортажларни, хуллас, оддий хабарларини ўқиганингизда, ҳаётнинг қайноқ нафаси шундоқкина уфуриб туради, одамларнинг ички дунёси, кайфияти, табиатининг кўркамлиги, борингки, бутун илиқлик, самимият барқ уриб туради. Газетамизнинг Сурхондарё вилояти мухбири Авлиёқул Халиловни шундай журналистлар сафига киритсам, янглишмасман», — деб ёзганди.

Авлиёқул Халилов 1988 йилнинг октябригача отахон газетасининг вилоят бўйича ўз мухбири бўлиб ишлади. Сўнг нафақага чиқди. У қатор орденлар ва медаллар ҳамда бошқа мукофотларга сазовор бўлган, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига эришган. Бу унинг кўп йиллик қайноқ меҳнатига берилган муносиб баҳодир.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Ҳар кимники ўзига...

Ҳаётий ҳангомалар

Зилзиладан олдин бир маҳаллада яшаган рус танишим кўпгина ўзбекча сўзларни бемалол гапира оладиган бўлган эди.

Ўзбек дўстим тўйга таклиф қилди,-деди у гапдан гап чиқиб бир учрашувимизда,- ўзбекнинг тўйида биринчи бор қатнашишим. Тўйни кўриб оғзим очилиб қолди. Бизда буни даже тасаввур қилолмаймиз: мебель, ўттиз пара обувь. Чорлари ҳам катта бир тўй экан. Отанинг бир ўзи шунча пулни қаердан олади? Хотини домохозяйка бўлса. Янги уй қурган ёки ҳаммасини полный ремонт қилган. Эрталаб ошда катта- поток. Ўғли ўқир экан ҳали. Тўй эмас, дабдаба. Ужас. Бизда йигит ичкуёв бўлиб келади. Сизларда қизни совсем танимаган оилага топширар экансизлар. Буям, ужас. Ўғил бола бўлсаям майли эди. Бизда қиз - эркин. Ўзи танлайди ёққанини. 20-30 кишилик банкет билан тўйимиз ўтади.

— «Вечер» қиласизларда.

— Ҳа, шундай. Ресторан ё кафеда. Ҳеч кимга ортиқча ташвиш бўлмайди. Сизларга, рости, ачинаман. Слишком без размерный тўйлар. Айниқса хўроз қичқирмасдан эрталаб ош бериш...

Ғўза гулининг хили нечта?

— Кўйинг, яхши гаплардан гаплашайлик. Биринчи марта колхозга комиссия бўлиб борганингизни айтиб беринг...

— Ҳа-ҳа, ҳа. Қизиқ бўлган. «Ғўзанинг гули нега бунақа ҳар хил: оқ, пушти. Пуштисини кўриб, «Айниб кетибди-ку, яхши парвариш қилмабсизлар-да», - дебман. Роса уялдим бу гапимга. Чойхонада палов денг. Ўша пайтларда диетада эдим. «Палов ошқозонни дабдала қилади-ку» деб юборибман. Йўқ, қўйишмади: «Энди мана бу кўк чойдан ичинг» дейишди. Яна қорин очиб турибдида. Вообще, азамат халқ ўзбеклар! Ощдаям бир удум бор экан, қаёқдан биламан. Хотиним обедда овқат қилмовди. Мени бир тўйга таклиф қилишди. Ошни еб бўлдим-да, «Хотинимга ҳам бир каструлкага солиб беринглар» дебман мен содда! «Бизда ўзинг келиб икки лаган ош ейишинг мумкин, аммо уйга-хозяйкангга ош бермаймиз. Бизда удум шунақа.» дейишди. Ёмон изза бўлганман-да ўзиям.

Отелло, яна палов ва...

Аммо ўзбеклардек оилапарвари йўқ жаҳонда. Жонини фидо қилади. Аммо рашки ҳам Отелло!

— Сизлардаям рашк кучли-ку.

— Рашк бор. Ҳамма миллатда бўлади у. Бизда оилага «ҳужум» ҳавфи сезилсагина кучли рашк пайдо бўлади.

— Агар бу хавф сезилмаса, оилага путур етказиш мақсадида бўлмаса-чи?

— Унда рашк эмас, просто поведениянги тўғри тут, деймиз. Мана масалан, сизларда «танца» йўқ. Вообще бу запрет нарса. Бизда, пожалуйста, бировнинг хотини ё қизи, келини билан агар ўзи таклиф этса, рози бўлса, танцага тушаверишинг мумкин.

— Кеннойим билан бошқа киши танца тушса рашк қилмайсиз, шундайми?

— Рашк қилмайман. Бу - европейская норма бизда. Сизларда кечирасиз-у ҳалиям «эскича»дан озгина қолган.

Э, бу разговордан толк йўқ, — деди ошнам, иккаламиз ҳам прав. Восток есть Восток. Европа-Европа. Мана, пул топсангиз, сандиққа қўясиз. Шундайми?

— Ахир, ўзбек тўй қиламан деб пул йиғади. Уй қуради. Ўлимлик деб тўплайди.

— Уй, тўй, қўй, деб ўзингларни ўтга-чўққа урасизлар. Одам ўзи учун ҳам яшаши керак-ку.

— Бу гапингизда жон бор, дўстим. Сизлар иш нагрузкасини ўша қуниёқ, ҳафта охирида, йилда курортда кетказасизлар. Бизда бола-чақа ташвиши кўп. Кейин аёлларимиз қимматбаҳо уст-бошга ўч. Сизларда дока бўлсаям ХБ (пахтадан қилинган) кўйлак бўлса бўлди, кийиб кетаверасизлар. Бизда бунақа нарсалардан ор қилишади. Кейин бизнинг аёлларимиз дарров бошқаларнинг модасига эргашишади. Сизларда қаранг, ўзига ярашган, соф русча уст-бош. Туркман қизларидаям шундай: ўз миллий кийимларига ҳамиша содиқ. Бошқалардек минг яхши бўлсаям эргашиб кетавермайди. Ҳиндларни қаранг! Ҳавасингиз келади. Уларни дунёнинг истаган бурчагида ҳам дарров танийсиз: ҳинд қизлари бу дейсиз.

— Сизларнинг ҳам дўппингиздан танишади. Маҳаллада тўн кийиб юришади-ку. Қизлар, аёллар оқ рўмол ўрашади. Доимо белгили улар.

Э, бу гапларни қўйинг, мантини қанақа егансиз?

— О, яшаворинг! Зўр, зўр. Биринчи еганимда, ростдан ҳам манти ёриб фақат гўштини еганман. Сигаретга кулдон қилганим рост. Дастурхонда кулдон йўқ эди-да.

— Қовунни-чи?

— Э, одамни уялтирманг ҳадеб? Первый раз қовун ейишим эди. Откуда знаю, кўндалангига кесдим. Тешик кулчага ўхшатиб: думалоқ-думалоқ.

— Кейин-чи?

— Э, бунисини сўраманг энди. Бизда шакар сепиб ейишарди, шакар сепдим. Роса изза бўлганманда ўзиям!

— Қашқадарё паловидан-чи?

— Это уже целая история. Хўп, майли бошимдан ўтганини айтиб берай. Биринчи марта Қашқадарёга боришим эди. Тўйга кирдик. Катта майдонда ўчоқларда дошқозон. Бирида - гуруч. Иккинчисида - сабзи алоҳида. Бошқасида - ёғ. Ҳар биридан лаганга алоҳида-алоҳида солинаркан. Ва энг охирида - гўшт! Как у корейсов! Мен шошиб тургандим: «мне масло и марковь не надо», дедиму гуруч ва гўшт солдириб: «Вот это настояшая каша!» десам, раис роса мени майна қилиб кулган эди. «Эй жинни, ошнинг ярми қани? деб коллегаларим тоза уялтиришди, мени. «У меня диет» деб қутулганман зўрга.

Ҳамид ИКРОМОВ

Уттиз иккинчисида қўлга тушди

Ҳар қанча нозик бўлмасин, кўза кунда эмас, кунида синиши турган гап-да. Мексикалик «машҳур» босқинчиям шунақа кунида «синди». Аспе Мартинес «ўйинчоқ» билан қуролланиб, 31 марта дўконларга бостириб кириб, мўмай пулларни ўмарди. Ахир пешонангга пистолет тираб турса, мол эмас жон кўринади-да, кўзга.

Доим ҳамирдан қил суғургандай бойлик топадиган Аспе 32-чи марта ҳам навбатдаги дўконни ўмарди. Ишини-ку силлиққина бажарди, бироқ.... Мартинеснинг хатти-ҳаракати йўл-патруль хизмати ходимларига шубҳали туюлди ва... уни қўлга олиш чораси кўрилди.

Ҳайрият, отишма бўлмади. Чунки ўғрининг қуроли ўғлининг оддий ўйинчоқ пистолети экан.

Питерга хос чиқим

Чекиш зарар. Лекин гап бу ҳақда эмас. Англиялик 43 ёшли Питер Боддингтон кўп чекади. У ҳар куни Лондондаги Виктория вокзалидан Брайтонга ишга боради ва ортига қайтади. Бир йилда йўлкиранинг ўзига 2 минг 460 фунт сарфлайди. Бундай йўл ҳақи унча-мунчани «чақиб» қўяди. Лекин уни йўлкирадан ҳам ошиб тушадиган «чиқим» қийнайди. Аксига олиб «Коннекс Саут Сентрал» компанияси поезд вагонларида чекишга қарши қаттиқ ҳужум бошлаган.

Тарки одат амри маҳол дейдилар. Шўрлик Питер вагонда чеккани учун йилига 20 минг фунт жарима тўлайди. Бу ҳам етмагандай 14 кун қамоқда ўтириб чиқди, бир неча тун «тутиб» қолишди.

Барибир. Ашаддий кашанда вагонда чекмасликнинг ҳеч иложини қилолмаяпти. Тамаки қурғур ҳаммасидан устун. Бу масаланинг бир томони. Яна бир нозик томони, бундай «чеклашлар», «ман қилишлар»га қарши кашандаям ўзича исён қиляпти. «Барибир чекиш» истаги уни маънан бироз тинчлатирсада, ҳамёнини қуритяпти.

Начора, ё тамаки ё ҳамён-да. Ҳозирча кашандага тамаки аъло, чоғи.

Кулги — умр зийнати

«Ҳозирча онангникига қатнаб тур»

Семиз хотин ортиқча вазндан қутулиш учун шифокор ҳузурига борди. Ўйига хурсанд қайтиб, эрига деди:

— Доктор менга кўп юришни, сайр қилишни буюрди. Айтайлик; ҳар куни онамнинг ўйигача пиёда бориб-қайтсам етаркан.

— Азизим, онангники қаёқда-ю, ўҳ-хў... Балки бошқа нарса ёрдам берар-а?

— Яна доктор айтдики, эрингиз билан марказий савдо растасидаги 10 та чап, 10 та ўнг қанотдаги дўконларни айланинг, деди.

— Ўҳ, лаънати доктор! Қара, сени қанчалар азият чекишга мажбур этмоқчи. Жонгинам, менимча, онангники унчалар узоқмас-а?!

«Ёшлигини инобатга олинг

— Айбдор, ўзингизни оқлаш учун нима дея оласиз? — деб сўради судья судланувчидан.

— Мен суддан адвокатимнинг ёш, тажрибасизлигини инобатга олишингизни сўрайман, — деди айбдор.

Саида САЙХУН тайёрлади

Тошкент Индустриаль педагогика техникуми томонидан 1979 йилда Зияев Турғун Турапович номига берилган БТ№564386 рақамли ўрта махсус маълумот ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика Давлат қўмитасининг Бош ҳисоблаш Маркази томонидан Собир Раҳимов туманидаги «Жайхун — т.ф.к» хусусий корхонаси номига 1996 йил 13 мартда №552 қарор асосида берилган №16106338 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида рўйхатга олинган «Универсал» ҳунар-техника билим юрти Ассоциацияси
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар икки ой муддатда қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Хуршид кўчаси, 83-уй.

«Сурхонозиқовқат» ҳиссадорлик жамияти жамоаси





Янги йилингиз билан!

«Сурхонозиқовқат»

Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Янги йил билан самимий муборакбод этади!

Маълумки, 1999 йилда мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари бажарилди. Иқтисодий ислоҳотлар янада чуқурлаштирилди. Бунда корхонамиз жамоасининг ҳам муносиб улуши бор.

Асримизнинг сўнгги йили ҳисобланмиш 2000 йил муносабати билан Сиз азизларни қутлар эканмиз, жаннатмакон юртимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳар бир оиласида тинчлик, фаровонлик бўлишини тилаймиз! Биз эса ўз навбатида эл дастурхонини экологик жиҳатдан тоза, сифатли маҳсулотларимиз билан тўлдираверамиз.

Барчангизга мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини бунёд этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда омад ёр бўлсин!

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Ҳамид ИКРОМОВ, навбатчи Фаррух ҲАМРОЕВ.

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида. А—2 форматида. 16.512 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0985

Босишга топириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.
123456.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА